

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/25.08.202 I.Fil. 01.16 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЛИЛОВА РУХСОРА РАУПОВНА

**ВИРТУАЛ КОММУНИКАТИВ МАЙДОНДА НУТҚИЙ
ДИСКУРСНИНГ СОЦИОМАДАНИЙ ВА ПРАГМАТИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата доктора философии (PhD) по филологическим наукам
Contents of the abstract of the doctor of philosophy (PhD) on philological sciences

Халилова Рухсора Рауповна

Виртуал коммуникатив майдонда нутқий дискурсинг социомаданий ва прагматик хусусиятлари 3

Халилова Рухсора Рауповна

Социокультурные и прагматические особенности речевого дискурса в виртуальном коммуникативном пространстве 25

Xalilova Ruxsora Raupovna

Sociocultural and pragmatic features of speech discourse in the virtual communicative space.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/25.08.202 I.Fil. 01.16 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЛИЛОВА РУХСОРА РАУПОВНА

**ВИРТУАЛ КОММУНИКАТИВ МАЙДОНДА НУТҚИЙ
ДИСКУРСНИНГ СОЦИОМАДАНИЙ ВА ПРАГМАТИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Fil1728 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (nuu.uz) ҳамда “Ziynet” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) манзилларида жойлаштирилган.

| | |
|----------------------------|---|
| Илмий раҳбар: | Тоирова Гули Ибрагимовна филология фанлари доктори (DSc), доцент |
| Расмий оппонентлар: | Каримов Суюн Амирович филология фанлари доктори, профессор Саодат Худойбердиевна Мухамедова филология фанлари доктори, профессор |
| Етакчи ташкилот: | Қарши давлат университети |

Диссертация ҳимояси Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг **DSc.03/25.08.2021.Fil.01.16** рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил “___” _____ кuni соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Асосий биноси 1-қават, 105-хона (99871) 2271224, факс (99871) 2465321, (99871) 2460224; e-mail: nauka@nuu.uz.

Диссертация билан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. ЎЗМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871) 2364655; факс: (99871) 2460224.

Диссертация автореферати 2022 йил “___” _____ да тарқатилди.

(2022 йил “___” _____ даги ___ -рақамли реестр баённомаси).

Ҳ.У.Болтабоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филология фанлар доктори, профессор

Н.З.Абдурахмонова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлар доктори (DSc), доцент

М.М.Қурбонова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон амалиётида ахборот коммуникацион технологияларнинг тараққиёти мамлакатларнинг ҳар томонлама рақобатдошлигини ошириши, катта оқимдаги ахборотларни тўплаши ва умумлаштириши, бошқарувни стратегик даражада ташкил этиш учун кенг имкониятлар яратиб беришига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, тараққиёт виртуал коммуникатив майдонда нутқий дискурс муаммосини кун тартибига қўймоқдаки, бунда мулоқот модели компонентларини ажратиш, виртуал коммуникатив майдонда нутқий дискурснинг социомаданий ва прагматик хусусиятларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Дунё тилшунослигида шу муаммолар тадқиқига қаратилган прагмалингвистика, когнитив тилшунослик йўналишларидаги ишлар, айниқса, антропоцентрик парадигмаларда нутқий воқеликларга оид лисоний таҳлиллар, киберлингвистикада луғавий бирликларни текшириш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, кибермаконда нутқий мулоқот табиий тил ёрдамида амалга оширилганлиги боис интернет суҳбатларининг семиотикаси, мулоқот матнларининг психоллингвистик ва ижтимоий-маданий хусусиятларини ёритишга, прагмалингвистиканинг ривожланишига алоҳида диққат қаратилмоқда.

Мамлакатимизда маҳаллий ҳокимият органларининг давлат тилида иш юритиши, расмий муассасаларда давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилиши юзасидан назорат олиб борилиши натижасида интернет тизимидаги ёзувларга, диалог шаклидаги виртуал коммуникатив майдон тилининг ўзига хос хусусиятларига катта эътибор берилмоқда. “Бизнинг ёшлар, албатта, бошқа тилни билиш учун саъй-ҳаракат қилсинлар, лекин аввал ўз она тилини кўзларига тўтиё қилиб, эҳтиром кўрсатсинлар. Зеро, ўз тилига садоқат – бу ватаний ишдир”¹. Шу маънода виртуал коммуникатив майдонда ўзбекона нутқий дискурснинг грамматик, лексик хусусиятларини тавсифлаш, интернет суҳбатлари семиотикасида социомаданий, миллий этник мулоқот маданиятининг прагматик хусусиятларини ўрганиш юзасидан илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш зарурати мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4997-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонлари, 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси ва Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонуни қабул қилинганлигининг 30 йиллигини кенг нишонлаш

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи / “Ўзбекистон овози” газетаси. 2019 йил, 21 октябрь. Манба: <https://uza.uz>

тўғрисида”ги 2019 йил 4 октябрдаги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги 984-сон “Давлат тилини ривожлантириш департаменти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”, 2020 йил 29 январдаги 40-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамалар комиссиясининг фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертациянинг илмий натижалари маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Европа тилшунослигида XX асрнинг иккинчи ярмида киберлингвистикани ўрганишга эътибор кучайди. Бу борада, жумладан, С.Хирринг, А.Дижик ван Теун, Ж.Баудрилланд, Н.Фанян, Ю.М.Скрёбнев кабиларнинг илмий изланишлари алоҳида эътирофга лойиқ².

Рус тилшунослигида компьютер нутқи таҳлили соҳаси, компьютер нутқ кўринишлари назарияси бўйича Н.Д.Арутюнова, Е.Н.Галичкина, В.И.Карасик, А.Г.Баранов, М.М.Бахтин тадқиқотларини келтириб ўтиш ўринли³.

Ўзбек тилшунослигида Ш.Сафаров, С.Мўминов, М.Ҳақимов, Н.Турниёзов, С.Мухамедова, С.Боймирзаевалар томонидан матн таркибининг статистик таҳлили, матннинг прагматик хусусиятлари, матн синтаксиси, унинг грамматик қурилиши каби муаммолар тадқиқ этилди⁴.

² Herring S. Computer-Mediated Communication: Linguistic, Social and Cross-Cultural Perspectives. Amsterdam Philadelphia, 1996. – P. 1-12; Dijk van Teun A. Episodes as Units of Discourse Analysis // Analyzing Discourse: Text and Talk // Washington D.C., 1982. – P. 177-195; Baudrillard J. Ecstasy of Communication // The Anti-Aesthetic Essays on Postmodern Culture / Ed. N. Foster. – Port Townsend: Bay Press, 1983. – P. 126-133; Фанян Н.Ю. Аргументирующий дискурс во французской диалогической речи. Дис. ... канд. филол. наук. – Калинин, 1988; Скрёбнев Ю.М. Общелингвистические проблемы описания синтаксиса английской диалогической речи. Автореф. дис. ... д-ра филол. наук. – М., 1972. – С. 78.

³ Арутюнова Н.Д. Человеческий фактор в языке. Коммуникация, модальность, дейксис [Текст] / Арутюнова Н.Д. 1992; Галичкина Е.Н. О конститутивных признаках компьютерного дис-курса [Текст] / Галичкина Е.Н. // Языковая личность: проблемы креативной семантики. – Волгоград, 2000. – С. 143-146; Карасик В.И. О типах дискурса // Языковая личность: институциональный и персональный дискурс. Сб. науч. тр. – Волгоград, 2000. – С. 5-20; Баранов А.Г. Функционально-прагматическая концепция текста [Текст]. – Ростов-на-Дону: Изд-во Ростовского университета, 1993. – С. 230; Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества [Текст] / М.М.Бахтин. – М.: Наука, 1979. – С. 360.

⁴ Сафаров Ш., Тоирова Г. Нутқнинг этносоциопрагматик таҳлил асослари. Ўқув қўлланма. – Самарқанд, 2007. – Б. 40; Мўминов С.М. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари. Филол. фан. док-ри. ... дис. автореф. – Тошкент, 2000. – Б. 41; Ҳақимов М. Ўзбек илмий матнининг синтагматик ва прагматик хусусиятлари. Филол. фан. номз. ... дис. – Тошкент, 1994. – Б. 168; Турниёзов Н. Тилшуносликка кириш. Маърузалар матни. – Самарқанд, 2005. – Б. 80; Мухаммедова С. Матн лингвистикаси. – Тошкент, 2011. – Б. 56; Боймирзаева С. Ўзбек тилида матннинг коммуникатив-прагматик мазмунини шакллантирувчи категориялар. Филол. фан. док.ри дис. автореф. – Тошкент, 2010. – Б. 4.

Виртуал коммуникатив майдонда ўзбек нутқий дискурсининг социомаданий ва прагматик хусусиятлари яхлит тарзда монографик планда ўрганилмаган.

Диссертацияни тайёрлаш жараёнида номлари саналган жаҳон ва ўзбек тилшуносларининг тадқиқотлари чуқур ўрганилди, уларнинг қарашларига муносабат билдирилди ва тадқиқотда ўзбек нутқий дискурсининг социомаданий ҳамда прагматик хусусиятлари махсус тадқиқ қилинди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Бухоро давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг 2017-2023 йилларга мўлжалланган “Ўзбек тилшунослигида тил, шахс ва жамият муносабатлари тадқиқи муаммолари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Виртуал коммуникатив майдонда ўзбек нутқий дискурсининг хусусиятларини, уларнинг лингвокультурологик ва социопрагматингвистик жиҳатларини аниқлаш ҳамда тавсифлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

виртуал коммуникатив майдонда ўзбек нутқий дискурс тадқиқотининг назарий асосларини “ўзбек компьютер нутқи”, “ўзбек электрон нутқи”, “интернет – нутқ” каби тушунчаларнинг ўзига ўхшаш – ёндаш ҳодисалар билан муносабатини очиб бериш;

интернет мулоқотининг коммуникатив-прагматик тамойилларини ва уларнинг ўзбекона мулоқот модели компонентларини таснифлаш;

суҳбат жанридаги виртуал коммуникатив майдон тилининг лексик-семантик хусусиятларини очиб бериш;

электрон суҳбатлардаги ўзбекона лисоний шахс ва Чат фойдаланувчиларининг нутқий ўрнини белгилаш;

виртуал мулоқотнинг ўзбекларга хос психолингвистик, ижтимоий-маданий хусусиятлари ва прагматик вазифаларини ёритиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида интернет сайтларидан олинган матнлар, диалогик кетма-кетликлар, сўров материаллари танланган.

Тадқиқотнинг предметини виртуал коммуникатив майдонда ўзбек нутқий дискурсининг лингвистик ва экстралингвистик ифода воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тавсифлаш, қиёслаш, таснифлаш, синхрон таҳлил, компонент таҳлил, этнолингвистик таҳлил, тизимли, контекстуал ва социологик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

виртуал коммуникатив майдондаги дискурсининг оммавий (бутун дунё билан алоқа), ички шахсий (фойдаланувчи ва компьютер ўртасидаги алоқа) ва гуруҳли мулоқот кўринишларида ўзбекларга хос саломлашиш, хайрлашиш, мурожаат, илтимос, миннатдорчилик каби лисоний ва кулгич (смайл) каби нолисоний омиллар билан биргаликда воқеланиши далилланган;

виртуал коммуникатив майдондаги ўзбекона лисоний бирликларнинг ижтимоий мақомига, ёшига, бир-бирини яхши танишига, дўстона муносабати даражасига, қариндошлик даражасига, жинсий фарқига, суҳбат мавзусига кўра лексик-семантик; содда, қўшма, такрор ёки жуфт каби синтактик-структур; ижобий ёки салбий муносабат ифодаловчи коммуникатив-прагматик хусусиятлари исботланган;

ёзма электрон коммуникация восита (ЁЭКВ) тилининг оғзаки ва ёзма хусусиятларини ўзида бирлаштирган тил сифатида “гибрид тил” эканлиги асослаб берилган;

компьютер суҳбатлар семиотикасида саломлашиш, хайрлашиш, муружаат, илтимос, миннатдорчилик каби ўзбекона миллий этикетлар аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

электрон сигнал, виртуаллик, масофавийлик, воситачилик, долзарблилик ва юқори даражадаги ўтказувчанлик, гиперматнлилик, компьютер матнларининг креативлик (жанр қоришмаси), тармоқ иштирокчиларининг мақомига кўра тенглиги, “кулгичлар” ёрдамида ҳиссиётлар, юз ифодаларининг узатилиши каби ўзига хос компьютер этикаси ўзбекона лингвопрагматик ёндашув асосида далилланган;

компьютер суҳбатларининг лексик-семантик, синтактик-структур, социомаданий ва прагматик хусусиятларини ёритиш билан боғлиқ хулосалар ўзбек лингвистикасининг ривожига учун самарали бўлган илмий ёндашувларга хизмат қилиши аниқланган;

интернет мулоқотининг ўзбекона коммуникатив-прагматик тамойиллари ишлаб чиқилган;

виртуал коммуникатив майдонда белги – имо-ишора хабарида шифрланган маънони очиш, яъни декодлаш йўли билан амалга ошириш орқали ўзбек жамиятининг турли ижтимоий қатламларида мулоқот маданиятининг такомиллашишига хизмат қилиши амалиётда аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилгани, унинг ўрганилиш чегаралари аниқ белгиланиши, назарий маълумотлар ва фактик материаллар ишончли илмий-бадий манбалардан олингани, тавсифлаш, қиёслаш, таснифлаш, синхрон таҳлил, компонент таҳлил, этнолингвистик таҳлил усуллари воситасида асослангани, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти электрон гиперматннинг бошқа шакллари (компьютер конференциялари, тезкор хабарлар, электрон почта (e-mail), СМС хабарлар) белгилаш юзасидан билдирилган назарий хулосалардан, уларнинг илмий таҳлилларидан ўзбек тили семасиологияси, лексикологияси оид дарслик ҳамда қўлланмалар яратишда; прагмалингвистикага дахлдор масалаларни тадқиқ этишда назарий манба вазифасини бажариши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишдаги назарий умумлашма ва таҳлиллардан “Этнопрагматик лингвистика” лабораториясини яратишда, “Прагмалингвистика”, “Компьютер лингвистикаси”, “Киберлингвистика” каби махсус курсларни ўқитишда, компьютер суҳбатларининг лингвистик бирликлари луғатини тузиш имкониятини яратиши, ўқув қўлланма, дарслик, мажмуалар яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Виртуал коммуникатив майдонда нутқий дискурсининг социомаданий ва прагматик хусусиятларини аниқлаш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

виртуал коммуникатив майдондаги дискурсининг оммавий (бутун дунё билан алоқа), ички шахсий (фойдаланувчи ва компьютер ўртасидаги алоқа) ва гуруҳли мулоқот кўринишларида ўзбекларга хос саломлашиш, хайрлашиш, мурожаат, илтимос, миннатдорчилик каби лисоний ва кулгич (смайл) каби нолисоний омиллар билан биргаликда воқеланиши каби хулосалардан Ф1-ФА-0-13229 рақамли “Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши” номли фундаментал лойиҳада (2012-2016) фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 10 сентябрдаги 232/1-сон маълумотномаси ва 2021 йил 21 декабрдаги 398/1-сон далолатномаси). Натижада, электрон мулоқот воситаси сифатида ўзбекона чатларни асослаш бўйича хулосалар чиқаришга эришилган;

ёзма электрон коммуникация воситаси (ЁЭКВ) тили оғзаки ва ёзма хусусиятларини ўзида бирлаштирган тил сифатида “гибрид тил” эканлиги ҳақидаги назарий хулосалардан Ф1-ФА-0-13229 рақамли “Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши” номли фундаментал лойиҳада (2012-2016) фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 10 сентябрдаги 232/1-сон маълумотномаси ва 2021 йил 21 декабрдаги 398/1-сон далолатномаси). Натижада, интернет сайтларидан матнлар, диалогик кетма-кетликлар социо-маданий ва ўзбекона миллий-прагматик жиҳатларнинг воқеланиши билан боғлиқлиги асосланган;

виртуал коммуникатив майдондаги ўзбекона лисоний бирликларнинг ижтимоий мақомига, ёшига, бир-бирини яхши танишига, дўстоналик муносабати даражасига, қариндошлик даражасига, жинсий фарқига, суҳбат мавзусига кўра лексик-семантик; содда, кўшма, такрор ёки жуфт каби синтактик-структур; ижобий ёки салбий муносабат ифодаловчи коммуникатив-прагматик хусусиятлари ҳақидаги назарий хулосалардан АМ-ФЗ-201908172 рақамли “Ўзбек тилининг таълимий корпусини яратиш” номли фундаментал лойиҳада (2020-2023) фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус вазлиги А.Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2021 йил 30 ноябрдаги 04/1-2375-сон маълумотномаси). Натижада, электрон мулоқот воситаси сифатида ўзбекча чатларни асослаш бўйича хулосалар чиқаришга эришилган;

компьютер суҳбатлар семиотикасида саломлашиш, хайрлашиш, муружаат, илтимос, миннатдорчилик каби ўзбекона миллий этикетлар ҳақидаги илмий қарашлардан “Бухоро” телерадиоканалининг “Ассалом, Бухоро”, “Махсус репортаж”, “Келажакка имконият”, “Ёшлар вақти”, “Адабий муҳит”, “Саккизинчи мўжиза” кўрсатувларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2022 йил 25 январдаги 1/13-сон маълумотномаси). Натижада, виртуал коммуникатив майдон матнларининг ўзбек миллатига хос психолингвистик ва ижтимоий-маданий хусусиятлари ҳақидаги маълумотлар телерадиоканал ижодий жамоасининг мавзу доирасида чуқурроқ мулоҳаза юритиши учун замин яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 9 та республика илмий-назарий анжуманларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этирилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, умумий хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 170 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ишнинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация ишининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг методологик ва назарий асослари, илмий фараз, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқот методлари, ҳимояга олиб чиқиладиган ҳолатлар, илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг жорий қилиниши, ишнинг синовдан ўтиши, натижаларнинг эълон қилингани, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми баён этилган.

Диссертациянинг **“Интернет мулоқотининг коммуникатив-прагматик тамойиллари”** деб номланган биринчи боби уч фаслдан иборат. Унда виртуал коммуникатив дискурс, виртуал мулоқотнинг асосий кўринишлари ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари, компьютер орқали ўзбекона нутқий мулоқотнинг янгича кўриниши эканлиги, виртуал коммуникатив майдонда ўзбек нутқий дискурс асосларининг назарий жиҳати очиб берилган, шунингдек, мавзуга оид назарий-илмий тадқиқотлар таҳлили келтирилган.

Бобнинг биринчи фасли *“Виртуал коммуникатив майдонда ўзбек нутқий дискурс тадқиқотининг назарий асослари”* деб номланиб, унда хорижий, рус, ўзбек тилшуносликда дискурс ва унинг турлари, нутқий мулоқот, интернет мулоқот ва унинг кўринишлари, матннинг информатика

ва тилшунослик фанларида ҳам дифференциал хусусиятлари ҳақидаги назарий-илмий тадқиқотлар ҳамда адабиётлар таҳлили келтирилган.

Жаҳон тилшунослигида дискурс муаммоси ўтган асрнинг 50-йилларида З.Харрис томонидан кўтарилди⁵. XX асрнинг 70-йилларига келиб, мазкур масалага тааллуқли ишларнинг салмоғи анчагина ошди. Мавжуд тадқиқотларда дискурс сўзлашув нутқининг монопредикатив бирлиги сифатида талқин этилди⁶. Нутқ типологиясини турли асосларга таяниб (сиёсий, тиббий, диний, педагогик каби) ўрганишда Т.М.Грушевская, В.И.Карасик, В.Б.Кашкин, Е.И.Шейгал тадқиқотлари⁷ эътиборга молик. Шунингдек, мазкур муаммонинг махсус объект майдони (экологик ва бошқалар) билан боғлиқ жиҳатлари А.Г.Баранов⁸, нутқининг психотаҳлили В.Руднев⁹, нутқий матннинг маданий хусусиятлари Вебицка ҳамда Е.Н.Лучинскаялар томонидан ўрганилган.

Ўзбек тилшунослигида С.Боймирзаева, Л.Раупова¹⁰, Б.Ўринбоев¹¹, А.Ҳ.Ҳазраткулов ва Г.Тоирова¹² каби олимлар диалогик реплика ҳамда диалогик дискурс, коммуникатив матн, нутқий мулоқот тушунчалари билан боғлиқ тадқиқотларни амалга оширишган.

Виртуал мулоқот (фр. “discours”, ингл. “discourse”, лотинчадан “discursus” – “чапга ва ўнгга югуриш, ҳаракат, айланма ҳаракат, суҳбат, гаплашув”) – нутқ, тил фаолияти жараёни, интернет тизими орқали гапириш услублари саналиши маълум.

Нутқий мулоқот, дискурс, интернет мулоқот ёки виртуал мулоқот ҳақидаги мавжуд қарашлар умумлаштирилганда, ўзбекона виртуал мулоқот тушунчасини қуйидагича талқин қилиш мумкин: 1) Соссюр талқинидаги “нутқ” атамасининг муқобили, ҳар қандай аниқ жумла; 2) ҳажм жиҳатидан фразадан каттароқ бирлик, кенг маънода жумла; 3) прагматика доирасида – жумланинг вазиятини ҳисобга олган ҳолда, гапнинг қабул қилувчига таъсири (иллокотив вазифани бажариш); 4) олдинги маъносини аниқлаштирилганда “дискурс” баённинг асосий кўриниши деб қараладиган “суҳбат” мазмунини

⁵ Harris Z.S. Analyse du discours // Languages, 1969. – № 13. – P. 8-45.

⁶ Гиндин С.И. Советская лингвистика текста. Некоторые проблемы и результаты (1968-1975) // Известия АН СССР, серия ЛЯ, 1977. – № 4. – С. 348-361.

⁷ Грушевская Т.М. К проблеме компьютерного дискурса: виртуальный диалог [Текст] / Грушевская Т.М., Зиньковская А.В., Овчарова К.В., Тхорик В.И., Фанян Н.Ю. / Труды XI Всероссийской научно-методической конференции “Телематика – 2004”. – СПб, 2004. – С. 402-403; Карасик В.И. О типах дискурса // Языковая личность: институциональный персональный дискурс: Сб. науч. тр. – Волгоград, 2000. – С. 5-20; Кашкин В.Б. Введение в теорию коммуникации. – Воронеж, 2000; Шейгал Е.И. Компьютерный жаргон как лингвокультурный феномен // Языковая личность: культурные концепты: Сб. науч. тр. – Волгоград-Архангельск, 1996. – С. 204-211.

⁸ Баранов А.Г. Функционально-прагматическая концепция текста [Текст] / А.Г.Баранов. – Ростов-на-Дону: Изд-во Ростовского университета, 1993. – С. 230.

⁹ Руднев В. Обсессивный дискурс // Логос, 2000. – № 3. – С. 165-193.

¹⁰ Боймирзаева С. Ўзбек тилида матннинг коммуникатив-прагматик мазмунини шакллантирувчи категориялар. Филол. фан. д-ри дис. автореф. – Тошкент, 2010. – Б. 21; Раупова Л. Диалогик дискурсадаги полипредикатив бирликларнинг социопрагматик тадқиқи. Филол. фан. док-ри. ... дис. – Тошкент, 2012. – Б. 53.

¹¹ Ўринбоев Б. Ўзбек тили сўзлашув нутқи синтаксиси масалалари. – Тошкент, 1974.

¹² Ҳазраткулов А.Ҳ. Диалогик нутқ синтаксисининг баъзи хусусиятлари (диалогик бирлик ҳақида методологик кўргазма). – Қарши, 1978. – Б. 36; Тоирова Г. Нутқий мулоқотнинг лисоний вербал ва лисоний новербал воситалари хусусида (саломлашиш мисолида) // БухДУ илмий ахбороти, 2018. – № 1. – Б. 67-74.

англатади; 5) жумла субъектининг эксплицит аралашувисиз тузиладиган баён (матн)га қарама-қарши қўйилади; 6) шунингдек, кўпинча, муайян ижтимоий ёки мафкуравий позиция туфайли амал қиладиган чекловлар тизимини белгилаш учун қўлланилади ва ўзбекона миллий, этник хусусиятлар эътиборга олинади; 7) бундай мулоқот интернет тизимида амалга оширилади.

Л.Р.Дускаева¹³ Интернет тармоғидаги электрон алоқанинг ўзига хос жиҳатларини кўриб чиқади. Н.А.Моргун компьютер нутқи деганда компьютер тармоқларидаги мулоқотни назарда тутади. Т.Ю.Виноградова компьютер-медиа алоқаси (СМС) ҳодисасининг долзарблигини ва унинг асосий хусусиятларини таъкидлаб ўтади¹⁴. “Ўзбек компьютер нутқи”, “ўзбек электрон нутқи”, “интернет-нутқ” тушунчалари остида ягона мазмун, яъни компьютер орқали инсонлар ўртасида ахборот ва мулоқот алмашинуви билан боғлиқ коммуникатив ҳаракатлар тушунилади. Ҳар бир халқнинг миллий этник қиёфаси, унинг стереотиплари мулоқот стандартлари ва анъанавий вазиятларни келтириб чиқаради. Компьютер ёзишмаларида халқнинг этнолингвистик мулоқот маданияти акс этаётганлигини ҳисобга олган ҳолда “ўзбекона компьютер нутқи”, “ўзбекча электрон нутқ” каби лисоний бирликларни қўллашни бугунги кунда асосли деб биламиз. Биз бу ўринда компьютер шаклининг коммуникатив ва лингвистик параметрига, хусусан, “чат” режимида нутқий мулоқотнинг хусусиятларига эътиборни қаратамиз. Уни оммавий ахборот нутқи билан чегарадош ҳодиса сифатида қараш мумкин. Чунки виртуал мулоқот замонавий ҳаётда жамият амалга ошираётган устувор йўналишлардан биридир. Бироқ компьютер нутқий мулоқотни тўлиқ қамраб олмайди, чунки Интернет орқали мулоқот шахсий нутқнинг асосий механизми ҳисобланади.

Бобнинг иккинчи фасли “*Виртуал коммуникатив дискурс ўзбек нутқий мулоқотнинг янги кўриниши сифатида*” деб номланади. Унда ўзбекона нутқий мулоқот, виртуал мулоқот шакллари, ёзма электрон мулоқотнинг хусусиятлари, коммуникатив хулқ-атвор ва унинг тамойиллари каби масалалар очиқ берилган.

Замонавий тилшуносликда нутқий мулоқот кишиларнинг ўзига хос ахборот алмашинув мақсадидаги ҳар қандай ўзаро муносабат (ўқиш, ёзув, сўзлашув ва ҳ.к.) ҳамкорлиги сифатида воқеланишини биламиз. Ҳар қандай мулоқотнинг муваффақияти кўп жиҳатдан иккала суҳбатдошнинг коммуникатив фаоллиги ва нутқий маданияти билан белгиланади. Зеро, бу бир қатор омилларга боғлиқ: суҳбат мавзуси, характери, саволларнинг берилиш тартиби, мулоқот иштирокчиларнинг ўз фикрини ифодалаши билан боғлиқ қатъийлик даражаси, нутқ темпи, товуш оҳанги, пауза ва сукут давомийлиги кабилар. Коммуникатив фаоллик ва нутқий маданият маълум

¹³ Дускаева Л.Р. Язык сети Интернет [Текст] / Дускаева Л.Р., Протопопова О.В. // Стилистический энциклопедический словарь русского языка / Под ред. М.Н.Кожинной. – М.: Флинта-Наука, 2003. – С. 648-651.

¹⁴ Виноградова Т.Ю. Специфика общения в Интернете [Текст]. Виноградова Т.Ю. // Русская и сопоставительная филология: Лингвокультурологический аспект. – Казань, 2004. – С. 63-67 <http://philology.ru/>

бир дискурсада, яъни нутқий мулоқот жараёнида намоён бўлади. Коммуникатив фаоллик ва нутқий маданият қуйидаги тамойилларни ўз ичига олади: а) тингловчининг ижтимоий ҳолати, ёши, қизиқишларини ҳисобга олиш; б) нутқ мазмунини тингловчининг турмуш тарзига қаратиш; в) диалог таркибини танлаш ва нутқ мазмунини конкретлаштириш; г) нутқнинг замон (оғзаки) ва макон (ёзма)даги ҳаракатини назоратга олиш. Коммуникатив фаоллик ва ўзбекона нутқий маданият вазияти, муайян маданият билан боғлиқлиги кўп ўлчовли, рационал ва эмоционал мазмуннинг қоришиқ бўлиши билан характерланади.

Бугунги ҳаётни интернетсиз, унинг мулоқот тизимисиз тасаввур этиш жуда мушкул. Зеро, компьютер технологияларидан фойдаланиш билан бирга мулоқот назарияси соҳасида сўнгги йилларда олиб борилган лингвистик тадқиқотлар соҳага интернет тармоғидаги мулоқотнинг энг самарали усуллари ва воситаларини аниқлаш имконини берди. Интернет-мулоқотни таҳлил қилиш жараёнида ёзма электрон мулоқотнинг қуйидаги хусусиятлари аниқланди: 1) электрон сигнал – бу мулоқот канали; 2) виртуаллик, яъни номаълум жамоа ёки номаълум суҳбатдош билан мулоқот; 3) масофавийлик, яъни макон ва замонда фарқланиш; 4) воситачилик (алоқа техник воситалар ёрдамида амалга оширилганлиги учун); 5) долзарблик; 6) гиперматнлилик; 7) компьютер матнларининг креативлиги (жанр қоришмаси); 8) тармоқ иштирокчиларининг, асосан, мақомига кўра тенглиги; 9) “кулгичлар” ёрдамида ҳиссиётлар, юз ифодаларининг узатилиши; 10) ўзига хос компьютер этикаси.

Интернет тармоғидаги мулоқот турининг ўзига хос хусусияти махсус турдаги сигналлар – электрон алоқа сигналларидан фойдаланиш ҳисобланади. Интернет билан инсонлар ўртасидаги мулоқотда янгича ўлчамни очиб беради. Яъни катта ҳажмдаги ахборотларни сақлаш ва тез узатиш, аудио ва видео мулоқот каналларидан фойдаланиш ҳамда онлайн режимида мулоқот қилиш имконини яратади. Чунончи, респодентлар билан бевосита (тўғридан-тўғри) алоқа ўрнатишга замин яратилади. Компьютер суҳбатлари виртуал муҳитдаги мулоқот бўлиб, бу унинг одатдаги (жонли) нутқий мулоқотдан фарқловчи энг муҳим хусусиятидир. Компьютер орқали мулоқот бошқа мулоқот турлари билан бир хил хусусиятга эга. Қамрови нуқтаи назаридан компьютер мулоқоти оммавий (бутун дунё билан алоқа), ички шахсий (фойдаланувчи ва компьютер ўртасидаги алоқа) ва гуруҳли мулоқот кўринишига эга. Вақт омилини, яъни мулоқот жараёнининг давомийлигини ҳисобга олган ҳолда компьютер мулоқоти қисқа (электрон почта орқали хабарни олиш) ёки вақт бўйича чекланмаган (интернет-конференцияларда иштирок этиш) бўлиши мумкин. Шаклига кўра компьютер мулоқот оғзаки (овозли модем) ва ёзма (матн ва график)га бўлинади. График шакл – тасвирлар, диаграммалар ва ҳоказоларни узатишни англатадики, бунда ҳарфлар иштироки (нутқ) кузатилмайди. Мулоқот усулига кўра компьютерли мулоқот воситали алоқа ҳисобланади, чунки у техник воситалар ёрдамида амалга оширилади. Ахборотни узатиш ва идрок қилиш каналига кўра

компьютер мулоқоти ҳақиқий (реал инсонлар билан мулоқот) ва виртуал (номаълум, хаёлий суҳбатдошлар билан мулоқот)га бўлинади¹⁵. Шундай қилиб, компьютер орқали мулоқотни ўрганиш бўйича Т.Ю.Виноградова ва Д.Р.Валиахметова ишларни умумлаштириб, унинг назарий моделини яратишимиз мумкин. Ушбу моделни бешта омил бўйича тасвирлаш мумкин: қамрови бўйича (оммавий, гуруҳли ва интраперсонал); вақтга асосланган (қисқа ва чегараланмаган вақт ичида); ёзма (матнли ва график) ва оғзаки (audio модемдан фойдаланганда ҳолда) шаклда; узатиш канали бўйича (ҳақиқий, виртуал); алоқа усулига кўра (ҳар доим билвосита).

Компьютер орқали мулоқот шахсга йўналтирилган (электрон почта ёзишмалари) ёки мавзуга йўналтирилган (турли мавзулардаги конференциялардаги мулоқот: сиёсат, спорт, тиббиёт, фан ва бошқалар) бўлиши мумкин.

Бобнинг учинчи фасли “*Виртуал мулоқотнинг асосий кўринишлари ва уларнинг фарқли жиҳатлари*” деб номланиб, унда мулоқотнинг оғзаки/ёзма кўринишлари, ёзма электрон коммуникация воситаси тушунчаси, нутқ жанрлари, интернет алоқанинг жанр турлари ҳақидаги фикрлар баён этилган.

Виртуал мулоқотнинг муҳим томони оғзаки/ёзма нутқни бир-бирига қарама-қарши қўйиш ҳисобланади ва бу, аввало, ахборотни узатиш канали билан боғлиқ: оғзаки нутқда канал акустик, ёзмасида визуал бўлади.

Маълумки, адабий тилнинг иккита: кодланган адабий нутқ ва сўзлашув нутқи каби асосий кўринишлари мавжуд. Б.Данет, Б. Дейли, С.Путерман, Дж.Десембер каби хорижлик олимларнинг фикрларига таянган ҳолда, виртуал мулоқотнинг кўринишларини – ёзма электрон коммуникация воситаси (ЁЭКВ) тилини ёзма/оғзаки хусусиятларни бирлаштирган тил сифатида “гибрид тил” деб атай оламиз. Бу фақат компьютер коммуникациясига нисбатан қўлланилади. ЁЭКВ тушунчаси – моҳиятан диалогик мулоқотнинг модернизацияланган шакли ҳисобланади.

М.М.Бахтиннинг фикрича, нутқ жанри матнларнинг типик хилма-хиллиги (хат, ҳикоя, роман ва ҳ.) ва нутқ жанри – лисоний маънода типик-вазиятли сўзлашув (кундалик диалог ифодаси, ҳарбий буйруқ, савол) эканлигини англатади¹⁶. Нутқ жанрлари мураккаб (иккиламчи) ва содда (асосий)га бўлинади. Мураккаб жанрларга ёзма (асосан) бадиий асарлар, илмий мақола ва шу кабилар, соддасига эса – бевосита оғзаки мулоқот киради. Асосий ва иккиламчи нутқ жанрлари муаммоси замонавий жанршуносликда аллақачон эътиборга олинган бўлиб, у уч хил йўналишда ҳал этилмоқда:

1. Биринчи йўналиш. Бахтин ғояларига руҳан энг яқин бўлиб, иккиламчи НЖ ни онтологик ҳосила сифатида тушунади (иккиламчи НЖ биринчисидан фаолият соҳаси ёки стилистик ишланиши билан фарқланади).

¹⁵ Виноградова Т.Ю. Специфика общения в Интернете [Текст]. Виноградова Т.Ю. // Русская и сопоставительная филология: Лингвокультурологический аспект. – Казань, 2004. – С. 63-67. <http://philology.ru/>

¹⁶ Бахтин М.М. Проблема речевых жанров [Текст] / М.М.Бахтин // Собрание сочинений в 7 тт. – М.: Русские словари, 1996. Т.5. – С. 157-206.

2. Иккинчи йўналиш. НЖ матнларнинг тури, аввало, диалогик, биринчи НЖ (нутқ ҳаракати)да намоён бўладиган таркибий элементлар сифатида талқин этилади.

3. НЖ ғоясига концептуал жиҳатдан яқинроқ бўлган (нутқнинг тизимли-структуравий шаклланиши сифатида) матннинг яхлитлигини таъминлайдиган “вертикал” моделлар. Мазкур йўналиш асосий ва иккинчи даражали нутқ жанрларини матн фаолияти мавҳумлиги шарти билан боғлайди.

Интернет алоқанинг қуйидаги жанрларини ажратиб ўтиш мумкин: 1) электрон почта (E-mail); 2) чат (IRC) – ҳақиқатда аниқ вақтда компьютер орқали норасмий мулоқот; 3) компьютер конференциялари (форумлар); 4) интернетдаги электрон эълонлар тахтаси (Bulletin Board); 5) тезкор хабарлар тизими (ICQ); 6) компьютер ўйинлари¹⁷.

Виртуал коммуникатив майдонда ўзбекона нутқий дискурс гиперматнга ўхшайди. Гиперматнда ахборот худди уяли тармоқда боғлангандек тақдим этилади, унда фойдаланувчилар ўз йўллари тўғри чизиқларсиз шаклда, эркин жойлаштиришлари мумкин. Мазкур ишда гиперматн деганда қатор амалларни рўёбга чиқарадиган матн ва унга тўлдирувчи ёки буйруқ тизими тушунилади, яъни гиперматн керакли ахборотга эга бўлишни тезлаштирадиган ёрдамчи воситаларни ўз ичига олади. Электрон гиперматн электрон жанрлар йиғиндисидан иборатдир. Нутқ жанри нутқ акти, нутқ ҳодисаси, нутқ стратегияси, нутқ тактикаси каби тушунчалар билан ўзаро боғлиқ. Нутқ жанри назариясида нутқ жанри (нутқий мулоқот шакли): мавзу, услуб ва бошқа таркибдан ташкил топади. Нутқ жанри назарияси электрон гиперматн жанрини турли хил асосларда таснифлаш имконини беради. Компьютер алоқасининг асосий жанрлари сифатида электрон почта, чат (IRC), компьютер анжуманлари (форумлари), электрон эълонлар тахтаси, тезкор хабарлар тизими (ICQ), компьютер ўйинларини ажратиш мумкин.

Диссертациянинг **“Сухбат жанридаги виртуал коммуникатив майдон тилининг ўзбек худудига хос хусусиятлари”** деб номланган иккинчи боби: *“Сухбат жанридаги ЧАТ ва ундаги турли хил нутқ ҳаракатларининг тавсифи”*, *“ЧАТнинг услубий ва композицион элементлари”*, *“Электрон сухбатлардаги ўзбекона лисоний шахс ва чат фойдаланувчиларининг прототиплари”* деб номланган фасллардан иборат.

Компьютер алоқасининг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш замонавий нутқий мулоқотни таҳлил қилишнинг фаол ривожланаётган йўналишларидан бири бўлиб, бу чат (сухбат) алоқаси моделини тавсифлашда комплекс ёндашувдан фойдаланишга имкон беради. “Чат” сўзи инглиз тилида “гаплашиш” (сухбатлашиш) деган маъноларни англатади. Ёзма/оғзаки

¹⁷ Вавилова Е.Н. Жанровая классификация дискурса телеконференций Фидонет. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Томск, 2001; Галичкина Е.Н. Специфика компьютерного дискурса на английском и русском языках (на материале жанра компьютерных конференций). Дис. ... канд. филол. наук. – Волгоград, 2001; Кондрашов П.Е. Компьютерный дискурс: социолингвистический аспект. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Краснодар, 2004; Моргун Н.Л. Научный сетевой дискурс как тип текста. Дис. ... канд. филол. наук. – Тюмень, 2002.

нутқнинг хусусиятларини бирлаштирадиган виртуал мулоқот – Чат (сухбат) режимида бўлади. Бу тизимда икки сухбатдош компьютер тармоғи орқали мулоқотда бўлади. Экраннинг ярмида диалог иштирокчиси ўз матнини ёзади ва бошқа ярмида у ўз сухбатдошининг матни ҳарфлар билан пайдо бўлганлигини кўриши мумкин. Табиийки, ҳеч бир чат (сухбат) бир-бирини такрорламайди, яъни турлича бўлади.

“Чат” деганда реал вақт тизимида Интернет тармоғи орқали хабарларни тезкор алмашиш воситалари ва ушбу мулоқотни таъминлаб берувчи дастурий таъминот тушунилади. Форумларга нисбатан чат тизимида мулоқот қилиш ва хабар алмашиш реал вақт тизимида содир бўлади. Чат тизимида барча фойдаланувчи ўзаро ёзув ва овозли ёки тасвирли кўринишидаги хабарларни алмашиш орқали мулоқот қилиши мумкин. Чатга ижтимоий тармоқлар, Skaур, Meyl Agent, Google Talk, ICQ дастурлари киради. Чатни XXI асрнинг виртуал воситаси деб атасак бўлади. Чат сўзларнинг миқдорини камайтириб, улар ўрнига қисқа ифодалар ишлатилишини таъминлайди. Масалан, *кирилл алифбосидаги “ч”* ҳарфи ўрнига “4” рақами, латин алифбосидаги “sh” ҳарф бирикмаси ўрнига “w” ҳарфидан фойдаланилади. “Билан, керак, учун” каби ёрдамчи сўзлар ўрнига қисқартма “бн”, “к.к”, “ун” шакллари танланади. Ҳатто сўз бирикмаси ва содда гаплардан ҳам қисқартирилган ҳолда фойдаланилади. Масалан, АА (Ассалому алайкум), VAA (Ваалайкум ассалом), МНК (Мен ҳозир келаман), MQB (Менга кўнғироқ бўляпти), ? (Тушунмадим, бу билан нима демоқчисиз?), !10m (10 минутга бандман), MSB (Майли, соғ бўлинг), krk (керак), hoz (мен ҳозир), tskr (ташаккур), хбр (ахборот, янгиликлар). ЧАТнинг салбий жиҳатлари сифатида адабий тил меъёрларига риоя қилмаслик, кирилл алифбосидаги “ў”, “қ”, “ғ”, “ҳ” ҳарфлари билан боғлиқ техник муаммо бартараф этилган бўлса-да, аммо ҳамон бу ҳарфларга эътиборсизлик билан қараш, латин алифбоси матнларида тутук белгиси ёки кўчиш белгилари билан боғлиқ муаммоларга дуч келиш мумкин. Интернет тизимида мавжуд бўлган “хурсандлик, кулги, ним кулги, хафалик, йиғи...” каби “смайл” кулгичлардан фойдаланилади. Бугунги кунда ижтимоий тармоқларда ва мессенжерларда кундалик мулоқотда фойдаланиладиган смайллар ўттиз йиллар аввал пайдо бўлган.

Дастлабки смайлнинг тарихи жуда оддий. 1979 йилда электрон тарзда узатилган ҳиссиётни акс эттирувчи белги Кевин Маккензига тегишли. У қуйидаги кўринишда бўлган: " -) ". У одам қиёфасига кам ўхшагани учун, орадан уч йил ўтиб Скотт Фалман яратгани мана бу кўринишда бўлган:

" : -)". Шу смайл меъёр бўлиб қолган. Демак, смайлнинг муаллифи дастурчи Скотт Фалман ҳисобланади. Қайғу ва кечинмаларга тўла хабарлар учун матн белгилари тўпламини икки нуқта, чизикча ва очик қавсга киритиш таклиф қилинди, яъни: :-(... Ушбу матн белгилари тўпламида кўзлари, бурни ва лаблар бурчаклари пастга тушган юзни кўрсатади. Қувончли, табассумли кулгида бўлгани каби қайғули кўринишда улар кейинчалик икки нуқта ва тире белгиларини ёзишни тўхтатдилар, яъни очилган қавсни кечириш маъносида қўллай бошлашди : (.

График мулоқот каналидан фойдаланишда интонациялар, юз ифодалари, имо-ишоралар ва шу каби бошқа паралингвистик воситаларни узатишда қийинчиликлар юзага келганлиги сабабли компьютер алоқасида махсус нишонлар – кулгичлар (“smile” – табассум) ва жилмайишлар (сўз ўйини: турли тиниш белгилари, қавслар ёрдамида ва маърузачи (ёзувчи)нинг кайфиятини, реакциясини ифодалаш учун мўлжалланган¹⁸. Кулгичларнинг асосий вазифаларини қуйидагилар ташкил қилади: 1) хабарни узатиш ёки мазмунни ифодалаш вазифаси; 2) мулоқот вазифаси, яъни тингловчи (ўқувчи) томонидан узатилаётган хабарни тушунишни таъминлаш, шунингдек, ҳаракатланишга ундаш, эмоционал таъсир кўрсатиш ва ҳ.к.

Чат тармоғига уланишдан олдин фойдаланувчи ўз исмини ёки тахаллусини (nik) Чат жарғонида кўрсатиши керак. Ҳақиқий исмдан фарқли ўлароқ тармоқдаги иштирокчини аниқлайдиган тахаллусини фойдаланувчининг ўзи танлайди ва ҳар қандай вақтда, ҳатто алоқа пайтида ҳам фойдаланувчи ўз тахаллусини ўзгартириши мумкин.

Кўпгина фойдаланувчилар ўзи билан боғлиқ бўлган, уларнинг ижобий ёки салбий сифатларини акс эттирган (<малика>, <Qorako‘z>, <yalmog‘iz> ва бошқалар) тахаллусларни танлайдилар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси билан боғлиқ бўлган исмлар (<Iforli gul>, <Bo‘ri>, <гули чап-чап>) ёки баъзида қўйиладиган тахаллуслар эса нисбатан оз сонли фойдаланувчилар ўзларининг ҳақиқий исmlарини Чатда сақлашлари кузатилади.

Чат мулоқотининг услубий-композицион элементлари қуйидаги: мавзу, композиция ва услуб учлигини ўзида мужассам этган. Интернет мулоқотининг аҳамиятли томони шундаки, уларда Чатларнинг мақсади, моҳияти ва вазифаси билан бевосита боғлиқлик сезилиб туради. Чатда суҳбат бирор бир аниқ маълумотни олиш ёки уни бўлишиш мақсадини кўзламайди, аммо мулоқотга бўлган эҳтиёжни қондириш воситаси сифатида хизмат қилади. Фойдаланувчилар шунчаки ҳеч қандай аниқ мақсадсиз ва маълум бир суҳбат мавзусисиз виртуал ҳамжамиятга “қўшила олади”. Чат мулоқот стратегиясининг мақсадлари қуйидагилар: а) маълум мавзунини муҳокама қилиш; б) муаммо моҳиятини ёритиш; в) тақдим этилган ахборотга турли хил нуқтаи назардан ёндашиш; г) у ёки бу ҳолат бўйича ўз позициясини билдириш; д) тингловчиларнинг қизиқишлари, фикрий хусусиятлари, индивидуал-психологик жиҳатлари ва ижтимоий ҳолатини ҳисобга олиш;

е) аллақачон ўрнатилган мулоқот (алоқа)ни сақлаб қолиш, тармоқдаги коммуникантлардан бири билан келажақдаги алоқани асосли тахмин қилиш; ж) вақтни яхши ўтказиш ва б.

Интернет алоқанинг кенг тарқалган шаклларида бири виртуал диалог ҳисобланади. Мазкур диалог кўринишлари ўзбек тилшунослигида жуда кам ўрганилган мавзулардан биридир. Зеро, “виртуал диалог” деганда компьютер мулоқот доирасида тезкор ёки синхрон хабарлар орқали икки (ёки бир неча – полилог) фойдаланувчининг суҳбати тушунилади. Масалан,

¹⁸ Абдукодиров А.А., Пардаев А.Х. Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти. Монография. – Т.: Фан, 2009, – Б. 29.

<Қайсар> : – Ҳой, сен менга жўнатишни ваъда берган фотосурат қани?

<Атиргул> : – Кечирасиз, ҳозир буни қила олмайман. Сизники-чи?

<Атиргул> : – ... эсингиздами? ... Сизга у керакми?

<Қайсар> : – Ҳа, уни жўнат.

<Атиргул> : – Ҳа, яхши.

Ижтимоий тармоқ мессенжердан олинган юқоридаги парчада коммуникантлар қисқа вақт ичида тил бирликларидан жуда оз фойдаланиб, ўз мақсадларига эришишга ҳаракат қиладилар (“эсингиздами?”, “... сизга у керакми?”, “ҳа”, “яхши”). Бу ҳолатда қатъийлик диалог иштирокчиларининг ўзларига керакли маълумотларни иложи борица тезроқ олишга интилишидан келиб чиқади.

Муомала табиатининг соддалаштирилгани, шунингдек, нутқ сўзлашувининг кундалик сўз бойлигидан кенг фойдаланиш, кўплаб топқир қисқартмалардан фойдаланиш билан белгиланади (бу компьютер алоқасида жумбоқларнинг ўзига хос жиҳатларини, сўз ўйинига ўхшашликларни ўзида номоён этади). Қуйидаги диалог мулоқоти ижтимоий тармоқ телеграммдан олинган.

<Майса> : – Нима бўлди?

<Қора соч> : – Унчалик эмас. Аҳамиятсиз.

<Майса> : – Яхши, мен кетишим керак. Кўришгунча.

“Нима гап?” / “Нима бўлди”? “Ҳеч қандай аҳамиятли нарса йўқ. Мен кетишим керак. Кўришгунча”. Бундай қисқартмалар виртуал мулоқотни тезлаштириш, ахборот алмашишини жадаллаштиришнинг ягона воситасидир. Бу эса нутқ шакли сифатида электрон мулоқотнинг яна бир ўзига хос жиҳатини ташкил этади.

